Ушбу сонда:
2 Долзарб мавзу ҚИШ ЭШИК ҚОҚМОҚДА
3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
4 Туризм САЙЁҲЛАР КЕЛАДИ ЕТТИ ИҚЛИМДАН...

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 5 ноябр, чоршанба № 172 (1597)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.*

*Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XII боб, 53-моддаси.

*Касаба уюшма нуфузи*

## МЕҲНАТКАШ ИНСОН ХИЗМАТИДА

**Ўзбекистон Конституцияси жамики дунёвий қадриятлар орасида энг улуғи - Инсон деган фикрни илгари суради ва шу асосда фуқаро - жамият - давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилади.**

Конституциямиз - барча қонунлар ҳуқуқий тизимининг ўзагидир. У халқ манфаатларини ифода этади, халқ ҳокимиятчилигини таъминлайди. Унда халқнинг асосий, ҳал қилувчи роли ҳар томонлама, тўлақонли ифодасини топган. Унинг 2-моддасида **«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади»,** дейилса, 7-моддасида **«Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи»** эканлиги таъкидланган.

Асосий қонунимизда кафолатланган ана шундай юксак ҳуқуқ ва мажбуриятлар Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб берган. Қонунлар жамият ҳаёти, ривожланиши ва демократик тараққиётнинг негизидир. Шу билан бирга ҳар бир қонун инсон ва жамият ҳаётининг асосий заминини яратиб, давлат ва халқ манфаатларига хизмат қилади. Зеро, меҳнаткаш инсонга хизмат қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, унинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, саломатлиги, оиласи, фарзандлари ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, қулай меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш асосий мақсадимиздир. Негаки, касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячисидир.

Мустақил давлатимизнинг қонунлари ҳам инсонпарварлик ғояси билан йўғрилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида ходимларнинг меҳнат жараёнидаги бурчлари баён қилиниши билан бирга уларнинг ҳуқуқлари кафолатланган. Шунингдек, имтиёзларга эга эканлиги, манфаатдорлиги ҳам алоҳида таъкидланган. Бундан ташқари, корхоналарнинг иш хусусияти ҳамда имкониятларини ҳисобга олиб, бу масалалар жамоа шартномаларида ифодаланиши белгилаб қўйилган. Бу эса ўз навбатида меҳнат жамоаларининг ўз-ўзини бошқарувини такомиллаштириш, меҳнат муносабатларига янгича, эркин ёндошувидан далолат беради.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат муносабатлари ижтимоий шерикчилик асосида ташкил этилган. Тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитамиз билан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ўртасида 2003-2005 йилларга тузилган тармоқ келишувида соҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, бандлик, иш ҳақи ва меҳнат шароитлари, ходимлар учун ижтимоий кафолатлар белгилаб олинган. Шунингдек, ходимларга янада кенгроқ ва ҳар томонлама имтиёз ҳамда кафолатлар учта акциядорлик компанияси билан тузилган келишувларда ўз аксини топган. Иш берувчи билан тузилаётган жамоа шартномалари эса меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини қонун йўли билан ифодаловчи меъёрий ҳужжат.

Шуни ҳисобга олиб, тармоқ ходимларининг 99,9 фоизи жамоа шартномаларига жалб қилинган.

Тармоқ бўйича бир ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи 51,2 минг сўмга етказилди. Бу ўтган йилга нисбатан 1,25 марта кўпдир. «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясида эса бу кўрсаткич 64,6 минг сўмни ташкил этди.

Жамоа шартномаларида назарда тутилган моддий ёрдамнинг барча турлари амалга оширилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 12,822 нафар ходимга 321,8 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 702 нафар таъзиядорга 45,1 минг сўмдан, тармоқда узоқ йил ишлаган 22 минг ходимга ҳар ойда 6,3 минг сўмдан устама ҳақ берилди.

Шунингдек, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бор 383 нафар аёлга ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам уюштирилди. Бундан ташқари, тармоқда ишлаб, айни кунда кексалик гаштини сураётган 2227 нафар нуронийга 9,3 минг сўмдан, байналмилалчи жангчиларга 48 минг сўмдан меҳр-саховат кўмаги ташкил этилди. Тармоқда фаолият юритаётган ишчи-хизматчиларнинг иш шароитларини яхшилаш ва меҳнат муҳофазаси учун йўналтирилган маблағ ҳам 1,9 баробарга кўпайди. Ўтган йилнинг биринчи ярмида 130 миллион сўм сарфланган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 247 миллион сўм сарфланди. «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси ҳар бир почтальон учун марказлашган ҳолда 95 миллион сўмлик махсус пойабзал сотиб олди.

Жамоа шартномаларида қабул қилинган бошқа мажбуриятларнинг ҳам ижроси таъминланмоқда. Соҳада меҳнат қилаётган ҳар бир ходим ҳар ойда маошидан ташқари 18,7 минг сўм қўшимча ҳақ олди. Жамоа шартномалари шартларини бажаришда «Бухоро Телеком», «Навоий Телеком», «Тошкент Телеком», «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Наманган почтаси», «Тошкент почтаси», «Халқаро почтамт» акциядорлик жамиятларида ибратли ишлар амалга оширилди. Қонун барчага баробар, шу билан бирга у фуқаролар учун қалқон, адолат посбони. Афсуски, турли баҳонаю сабаблар билан меҳнат қонунлари талабига панжа орасидан қараётган мутасаддилар ҳам учраб туради. Бу иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорлик масаласидир. Бу борада тармоқ Марказий қўмитамиз бир қатор ишларни амалга оширганига қарамай, «Самарқанд почтаси», «Сирдарё почтаси», «Сурхондарё почтаси» ва «Қорақалпоқ почтаси» акциядорлик жамиятларида, «Қорақалпоқ Телеком», «Жиззах Телеком», «Сурхондарё Телеком» филиалларида иш ҳақини кечиктириб бериш ҳоллари кузатилмоқда. Аммо бундай муаммолар ечимини топиш «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компаниясининг «Қашқадарё почтаси», «Сурхондарё почтаси» акциядорлик жамиятларида қийин кечмоқда.

Инсон ҳақсизликка чидай олмайди. Қонуний ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, биздан ёрдам сўраб келган ҳар бир фуқаро мушкулини осон қилишни шарафли бурчимиз деб биламиз. Муҳим ишга малакали мутахассис ва ҳуқуқшунослар сафарбар этилган. Улар меҳнат қонунлари ва жамоа шартномалари ижросини, ишчи ва ходимларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайдилар. Шу ўринда ҳаётий мисоллар келтирсам:

«Жиззах почтаси» акциядорлик жамияти Зарбдор туман бўлими бошлиғи Суймахол Нурматова ноҳақ ишдан бўшатилган. У адолат излаб мутасадди идораларга ва судга мурожаат қилган. 1,5 йилдан кўпроқ муддат ичида Жиззах туманлараро ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят судларида бу иш бир неча марта кўриб чиқилди ва ниҳоят Олий суднинг ажримига мувофиқ ҳал қилув қарорига асосан вазифасига қайта тикланди. Ушбу низо келиб чиққан кундан бошлаб касаба уюшма ташкилотлари, айниқса, тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси қатъий равишда иш берувчидан йўл қўйилган камчиликни тузатиш ва С.Нурматованинг қонуний ҳуқуқларини тиклашни талаб қилди. Ушбу масала бўйича Олий судга мурожаат этилди. Охир-оқибат адолат тантанасига эришилди.

Шунингдек, «Сурхондарё Телеком» филиалининг капитал қурилиш бўлими ҳисобчиси Фарида Комова, «Қашқадарё Телеком» филиали Чироқчи туман боғланмаси электромонтёрлари М.Жумаев ва Н.Бойсариевлар, тўрткўллик Р.Мўминовларнинг шикоятлари касаба уюшмалари аралашуви билан ҳал этилди. Уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Инсон меҳнати қадрланган жойдагина унумли меҳнат қилиб, тараққиётга муносиб ҳисса қўшади. Тармоқ қўмитамизнинг барча саъй-ҳаракати меҳнаткашлар манфаати ҳимоясига йўналтирилган. Қолаверса, бугун ҳар бир ходим ўзининг Конституцияда эътироф этилган ҳақ-ҳуқуқларини таниб бормоқдалар. Яна уни ҳимоя қиладиган ўнлаб юридик ташкилотлар қаторида касаба уюшмалари ҳам борлигини чуқур ҳис этаётганлари қувончли ҳолдир.

**Тоҳир НАЗАРЖОНОВ,
Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси**

Бухоро азалдан ўзининг зардўзлиги билан дунёга машҳур. Бу заминда минг-минглаб қўлигул чеварлар истиқомат қилишади. Мукаррам Файзиева ҳам 15 йилдирки зардўзлик санъати билан шуғулланиб келмоқда. Истиқлол туфайли бу қадимий санъат ривожи учун қулай имкониятлар очилгани унга катта руҳ бағишлади. Моҳир зардўз ўзининг кўплаб бежирим кийим-кечаклари билан эл олқишига сазовор бўлди. Айни пайтда бир қанча шогирдларга ҳам зардўзлик сирларини ўргатмоқда.

***Суратда: моҳир зардўз М.Файзиева шогирдлари билан.***

**Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар**





## АҚШ СИЁСАТЧИСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

***Юртимизда меҳмон бўлиб турган АҚШнинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази консултанти, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси Збигнев Бжезинский 4 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан учрашди.***

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур академия ректори А.Азизхўжаев Збигнев Бжезинский фаолияти, унинг жаҳон сиёсатшунослик фани олдидаги хизматлари тўғрисида сўзлади.

З.Бжезинский ўз сўзида Ўзбекистоннинг ўзига хос мамлакат эканлигини таъкидлади. У мамлакатимизнинг минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни сақлашдаги ҳиссасига юксак баҳо берди.

Шу куни меҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтига ҳам ташриф буюрди. Учрашувда З.Бжезинскийнинг мамлакатимизга мазкур ташрифи илмий тадқиқотлар соҳасида Ўзбекистон-АҚШ алоқаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Америкалик таниқли сиёсатшунос икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугуни ва истиқболига оид долзарб масалалар, турли минтақалардаги сиёсий вазиятлар ҳақида сўзлади, институт ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

**(ЎзА)**

## ЖУРНАЛИСТЛАР АМЕРИКАГА БОРАДИ

АҚШнинг «Фридом хаус» -»Озодлик уйи» ташкилотининг Ўзбекистон журналистлари учун тайёрлаган лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди. Унда марказий нашрларнинг вилоят мухбирлари ва маҳаллий журналистлар иштирок этди.

Тақдимотда журналистларимиз эришаётган ютуқлар алоҳида қайд этилди. Шунинг билан бирга мавзуни тўлақонли, изчил ёритишда муаммолар бор. Кўпчилик журналистларда малака, маҳорат ва ҳуқуқий саводхонлик етишмайди. «Фридом хаус»нинг Бухоро, Самарқанд, Навоий, Наманган вилоятлари журналистлари учун мўлжалланган лойиҳасида фаол иштирок этган журналистлар Америкада икки ой малака ошириб қайтади.

**(ЎзА)**

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ҲАММА НАРСАДАН ТИНЧЛИК АФЗАЛ

Исроил бош вазири Ариэль Шарон куни кеча Москвага келди. Россиянинг олий мартабали арбоблари билан қилган мулоқотларида айни пайтдаги долзарб масалалар юзасидан фикрлар билдирилди. Хусусан, икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш, Исроил билан Фаластин мухторияти ўртасидаги сиёсий музокараларни тиклаш, ҳар қандай зўравонликка барҳам бериш каби мавзулар устида сўз юритилди. «Исроил тинчлик тарафдори, бу йўлда у ёнбосишларга тайёрдир», - деди А.Шарон.

Шу орада Исроил мухолифат партиясининг раҳнамоси Шимон Перес 150 минг киши иштирок этган намойишда сўзга чиқиб, мустақил Фаластин давлатини яратиш лозим, деб айтди.

### БОЙҚЎНҒИР ЁХУД ПЛИСЕЦК?

Истиқболда коинотга учириладиган фазовий кемалар осмонга қаердан парвоз қилади? Бу саволга Россия мудофаа вазири С.Ивановнинг гапларидан жавоб топиш мумкин. У яқинда шимолий минтақадаги фазовий масканлардан бирида бўлганида коинотга кемалар, ракеталар учиришда Қозоғистоннинг Бойқўнғир космодромидан кўра Плисецк афзалроқ эканлигига шама қилди. Чунки, ундан ҳам тинчлик, ҳарбий мақсадларда фойдаланиш мумкин. Лекин, Бойқўнғирни ҳам ҳисобдан чиқариб ташлаб бўлмайди. Чунки, у Халқаро космик станция билан алоқа боғлашда жуда катта аҳамият касб этмоқда.

### ТЕРРОРНИ ЙЎҚОТИШ МАҚСАДИДА

Германия шимолида полициячилар ҳарбий «Зондер команда» билан ҳамкорликда террорчиликка қарши операция ўтказдилар. Гамбург, Киль, Қуйи Саксония шаҳарларида амалга оширилган тинтувлар натижасида жуда кўп миқдорда қурол-яроғлар, нацистлар анжомлари, ташвиқот адабиётлари, тасмаларга ёзилган фашистик куй-қўшиқлар мусодара қилинди. Янги «Combat-18» номли нацист ташкилотининг 7 нафар аъзоси ҳибсга олинди. Қуйи Саксония ерининг ички ишлар вазири Клаус Бусснинг гапларига қараганда, фош этилган гуруҳ юқори даражада ҳарбийлашган ва хавфли экан. Бундай гуруҳларнинг кўпайиб бораётганлиги, айниқса, Дрезден, Мюнхен шаҳарлари аҳолисини дарғазаб қилди.

### АГАР У ҚЎЛГА ТУШСА...

Маълумки, Чеченистонда энг хавфли шахслардан бири Шамил Басаевдир. У сўнгги йилларда энг қабиҳ ишлар, террорчиларга раҳбарлик қилиш, хориждан сармоялар келтириш билан шуғулланди. Эндиликда уни тутиш ва зарарсизлантириш учун тинч аҳоли томонидан ҳам саъй-ҳаракатлар кўрсатилмоқда.

Шу маънода куни кеча «Родина» сайлов иттифоқининг олий кенгаши Шамил Басаевни тутиб берган ёхуд унинг қаерда эканлиги тўғрисида хабар берган кишига 15 миллион рубл мукофот пули берилажаклигини эълон қилди. Зотан бу манфур шахс Аслан Масхадов, Руслан Гелаев, Абу ал-Валид каби ўзини «машҳур қасоскор» деб ҳисоблайди.

**Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрлванди**

*Фельетон*

## ЛОТЕРЕЯ «ЎЙИНИ»

### ёхуд ногиронлар маблағига кўз олайтирган ношудлар қисмати

***Ногиронларга, кам таъминланган оилаларга, бева-бечораларга меҳр-шафқат йўлида ёрдам кўрсатиш, уларни ижтимоий ҳимояга олиш ҳозирги долзарб масалалардан ҳисобланади. Машҳур беш тамойилдан бири ҳам кучли ижтимоий ҳимоядир. Буни яхши тушунган Республикамиздаги қатор саховатпеша тадбиркорлар лотерея чиқариб, уни аҳоли ўртасида тарқатиб, тушган фойда ҳисобидан ёрдамга муҳтож кишиларга мурувват кўрсатмоқдалар. Бироқ, «ўйинчилар» орасида шундай устасифаранглар ҳам бор эканки, уларнинг олдида ҳеч ким ип ечолмайди. Бундайлар ўз жиғилдонларини ўйлаб, қонунбузилишларга йўл қўйсалар-у, қолганлар тасодифан қармоққа илинган балиқдай, типирчилаб қолаверишса... Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда эмас, қирқ кунда ҳам очилади. Нафси ўпқонга айланган олғирлар фаолиятига қонун ҳимоячилари хотима ясадилар.***

Ўзбекистон Республикаси «Чернобил» ногиронлар жамияти ҳам ўз аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг моддий аҳволини янада яхшилаш мақсадида бир лаҳзалик «Меҳр ва шафқат» лотереясини чиқарди. Жамиятнинг Наманган вилояти бўлимида ижрочи директор бўлиб ишловчи Аҳмаджон Саломов 2000 йил 1 декабр куни Тошкент шаҳар «Чернобил» ногиронлар жамиятига бориб, ўзи ишлаётган ташкилот номидан ишончнома олиб, 11-сонли юк хати билан ҳар бирининг нархи 250 сўмдан 40 минг дона, жами нархи 10 миллион сўм бўлган бир лаҳзали «Меҳр ва шафқат» лотереяси келтирди. 15 декабр куни эса унинг ўзи Наманган шаҳар «Чернобил» ногиронлар жамияти номига яна 40 минг дона ана шундай лотерея олиб келди. Лотереядан катта фойда кўриш мақсадида уни сақлаш ва тарқатиш билан шахсан ўзи шуғулланди.

Қимматли қоғозни сотиш учун пинҳона ўзига ишончли «мижоз» излади. Ниҳоят, Андижон вилояти Андижон туманида фаолият кўрсатаётган «Кушон» хусусий фирмаси бошлиғи Абдулазиз Зокиров унинг ишончига кирди. Натижада фирма бошлиғи билан сотиб беришлик учун 24 минг дона - жами 6 миллион сўмлик лотереяга ими-жимида ҳужжат расмийлаштирди. Аслида эса «Кушон» фирмасига 4 миллион сўмлик 16 минг дона лотерея берди, 2 миллион сўмлигини ўзида олиб қолиб, хуфёна равишда шахси номаълум кишиларга тарқатди. Ушбу лотерея пулидан 1 миллион 416 минг сўмликни шахсий манфаати учун ўзлаштириб, унинг исини чиқармади.

Ҳаром луқмадан оғзи мойланиб қолган Аҳмаджон Саломов «Кушон» фирмаси томонидан лотереянинг сотилиши ва пулини «Чернобил» ногиронлар жамиятига топширилиши устидан назорат ўрнатмади. Бундан фойдаланган Абдулазиз лотерея сотишдан тушган пулларни ҳе йўқ, бе йўқ, шахсий манфаати учун сарфлаб юраверди.

Фақат суриштирув бошланганида пулнинг ярмига яқинини жамиятга топширди. Оқибатда у жамиятга 1 миллион 959 минг 800 сўм камомад келтирди.

Абдулло Мирханов ҳам Наманган вилоят «Чернобил» ногиронлар жамиятида ижрочи директор бўлиб ишлар эди. Муқаддам судланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Амнистия тўғрисидаги Фармонига асосан жазодан озод қилинган. Лекин бу ғамхўрликдан тегишли хулоса чиқармади. Унинг томонидан ўзи ишлаётган ташкилот номидан ишончнома олиб, 2000 йил 1 декбардаги 11-сонли юк хати билан вилоят жамияти номига Тошкент шаҳар «Чернобил» ногиронлар жамиятидан 40 минг дона - 10 миллион сўмлик, 2000 йил 15 декбардаги 15-сонли шартнома ва 12-сонли юк хати билан яна Наманган шаҳар «Чернобил» ногиронлар жамияти номига 10 миллион сўмлик «Меҳр ва шафқат» лотереяси келтирилади. Ушбу лотереядан 4 минг дона 1 миллион сўмлигини, шунингдек, жойлардан вилоят жамиятига қайтарилган 500 минг сўмлик лотереяни ҳам ўзига олади. Ушбу лотереядан ютуқ чиққанини шаҳар жамиятига топширади. Қолганларини эса соттириб, киссасига уради. У бу қалтис ҳаракати билан Тошкент шаҳар «Чернобил» ногиронлар жамиятига 1 миллион 144 минг 350 сўм миқдорида моддий зарар етказади. Абдулло ҳам жамиятда бажарувчи директор лавозимида ишлаб келгани ҳолда, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, ўзига ишониб топширилган ўзга мулкни ўзлаштириш ва камомадга йўл қўйиш жиноятини содир этади.

Энди ногиронлар вилоят ва шаҳар жамияти мутасаддиларининг лотереядан келган даромадини талон-тарож қилишни ва ўзлаштирилишини қандай тушунмоқ керак? Бу меҳрга муҳтож бўлган чернобилчиларга хиёнат эмасми? Қани виждон, қани диёнат? Ўнлаб, юзлаб ногиронлар ёрдам сўраб, илтижо қилиб турган бир пайтда уларнинг ҳаққи мутасаддиларнинг томоғидан қандай ўтди экан?

Бошлиқлар ана шундай ноқонуний йўл тутишган экан, бошқалар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин?

Шуни таъкидлаш жоизки, вилоят «Чернобил» ногиронлар жамиятидан келтирилаётган лотереяларни тарқатишда тартибга риоя этилмайди. Таниш-билишлар билан лотерея сотиш юзасидан шартномалар тузилади-ю, уларнинг шартларининг бажарилиши устидан эса назорат ўрнатилмайди. Натижада, шартнома тузганлар томонидан лотереяни сотиб, пулини жамиятга топшириш ўрнига уни турли йўллар билан ўзлаштириш каби нопок ҳолатлар юз бермоқда.

Масалан: Андижон вилояти Балиқчи туманидаги «Шерзод» фермер хўжалигининг бошлиғи Исмоил Баҳриддинов 2001 йил 19 майда Наманган вилояти «Чернобил» ногиронлар жамияти билан «Меҳр ва шафқат» лотереясини сотиб бериш юзасидан шартнома тузган. 29 май куни 10-сонли ишонч қоғози ва 1 июндаги 3-сонли ҳисоб-фактура билан вилоят жамиятидан 20 минг дона, ҳар бирининг нархи 250 сўмдан жами 5 миллион сўмлик лотерея қабул қилиб олади. Орадан икки йилдан ортиқ вақт ўтсада, лотерея пулини ҳам, сотилмай қолганларини ҳам жамиятга топширмади: Аксинча, лотерея пулини ўз оиласи манфаати ва шахсий фермер хўжалиги фаолиятини ривожлантиришга сарфлаб юборган. Қинғир иш келтирар ташвиш, деб бежиз айтилмаган.

Жиноят иши судда кўрила бошлаганида у жамиятга 220 минг сўмлик ютуқли чиптани келтириб берди. Аниқроқ қилиб айтганда, нафси ҳаккалак отган бу фермер сотилган лотерея пулини ўзлаштириш йўли билан жамиятга 4 миллион 780 минг сўмлик моддий зарар етказган.

Уйчи туманидаги «Ёшлик-99» фирмаси бошлиғи Абдулло Акромов ҳам вилоят «Чернобил» ногиронлар жамиятидан шартнома билан 10 минг дона 2 миллион 500 минг сўмлик «Меҳр ва шафқат» лотереяси олган экан. У ҳам ногиронлар ҳаққига хиёнат қилган. Оёғи суднинг эшигига келганидагина эси кириб, қилган ишидан пушаймон бўлди. Сотилган ва сотилмай қолган лотерея ҳисобидан 1 миллион 500 минг сўмликка яқинини жамиятга кирим қилди. Қолган 955 минг 150 сўмлик лотерея пулини ўз манфаати йўлида ишлатган.

Андижон тумани ногиронлар жамияти қошидаги «Гавҳар-М» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси бошлиғи вазифасида ишлаган Муҳаммадсодиқ Мирзаев эса вилоят жамиятидан сотиб бериш учун 8 минг дона, 2 миллион сўмлик лотереяни шартнома билан олиб, жуфтакни ростлаб қолди. Бир эмас, икки марта, судланган бу шахсга унинг ўтмишини ўрганмай туриб, катта миқдордаги лотереяни ишониб берилиши ажабланарлидир. У икки йил мобайнида на сотилган лотерея пулини, на сотилмай қолган лотереяни, на ютуқ чиққан чипталарни Наманган вилояти «Чернобил» ногиронлар жамиятига топширган. Аниқроғи, лотереядан тушган ҳамма пулни жиғилдонига урган.

Вилоят «Чернобил» ногиронлар жамиятидаги мутасаддилар лотерея сотишни ташкил этишда қинғир йўлларга киришмаганида, мижозлари билан келишувчиликка йўл қўйишмаганида, эҳтимол юқорида қайд этилган кўнгилсизликлар келиб чиқмаган бўлармиди.

Улар содир этган ғайриқонуний ҳаракатлари учун Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судида жавоб бердилар. Жамиятнинг ижрочи директори лавозимида ишловчи Аҳмаджон Саломов, Абдулло Мирханов ва андижонлик Абдулазиз Зокировлар жамиятга етказилган зарарни тўла қоплаганликлари сабабли суд ҳукми билан катта миқдордаги жаримага тортилдилар. Исроил Баҳриддинов ва Муҳаммадсодиқ Мирзаевлар эса турли муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Улардан жамиятга етказилган зарарни тегишли тартибда ундириш ҳукмда кўрсатиб ўтилди.

Вилоят «Чернобил» ногиронлар жамияти мутасаддилари лотерея сотишдан тушган пулларни ёрдамга муҳтож ногиронларга сарфлашлари зарур эди. Аммо назоратнинг сустлигидан фойдаланиб, маблағни «сув» қилганликларини қандай баҳолаш мумкин? Ахир, лотереянинг номи «Меҳр ва шафқат»-ку! Инсофсизлик ҳам шунчалик бўладими?

**Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири**

